

## **PROBLEMS AND SOLUTIONS IN REINSURANCE RESERVES' FORMATION IN UZBEKISTAN**

This article considers the problems of formation of insurance reserves for reinsurance activities in Uzbekistan. There were studied features of formation of reserves on reinsurance operations in conditions of Uzbekistan. There was created proposals for the formation of insurance reserves adequate to the long-term risks existing in the insurance system.

**Key words:** insurance, reinsurance, methods of reinsurance, facultative reinsurance, obligatory reinsurance, retrocession, insurance reserves, solvency, reinsurance tariffs.

Today our country widely uses reinsurance mechanisms. At the same time, reinsurance operations carried out in the domestic insurance market of Uzbekistan do not have the necessary effective impact on the insurance system so far. This can be seen in the fact that insurers engaged in reinsurance for several years, do not form such reserves as the disaster reserve and the reserve of loss fluctuations. This in turn shows that in the event of a strong earthquake or a large man-made disaster in large cities, the national insurance system can face great problems to cover the damage. In this regard, today it is relevant to establish the order in the national insurance system for the formation of long-term insurance reserves adequate to the risks taken.

Paragraph 9 of the Road Map for the accelerated development of the insurance market of the Republic of Uzbekistan contains information about plansto improve methods of calculation, formation and placement of insurance reserves by insurers, which is another fact that confirms the importance of the issue.

Taking this into account, we consider it expedient to establish the procedure for the formation of reinsurance for in the country, based on the types of risks and the method of reinsurance used in the reinsurance contract.

To date, several methods of reinsurance are used in practice, and their features are manifested when considering the forms and types of reinsurance.

According to the current procedure for the formation of insurance reserves, in the formation of insurance reserves under reinsurance contracts it takes into account only that reinsurance is carried out in a proportional or non-proportional form. It should be noted that the formation of insurance reserves in the above order does not correspond to the types and methods of reinsurance, and does not allow the formation of reserves adequate to the accepted risks.

Based on the above, it can be seen that various methods of reinsurance are used in practice based on the characteristics of the types of reinsurance and the interests of the insurance company. The procedure for the formation of insurance reserves in our country does not take into account the peculiarities of reinsurance relations in the formation of reserves under reinsurance contracts. Due to this, the creation of the order of formation of reserves for reinsurance, taking into account the peculiarities of reinsurance methods, is an urgent issue concerning the stability of the insurance system today.

The following proposals for the formation of insurance reserves for reinsurance have been developed:

1. It is proposed to establish requirements for the formation of target reserves of disasters for organizations taking reinsurance long-term risks in classes 8 and 9 of the General insurance industry. It is considered appropriate to determine the characteristics of the disaster reserve in accordance with the following table:

Table.

№	Specialsides	Terms
1	Types of risks for which reserves are formed	Earthquake, mudslides, blizzard, landslides and other risks associated with large-scale natural disasters.
2	Reserve type	A reserve that is accumulative over a long period of time.
3	Source reserve	The reserve is formed due to certain deductions from reinsurance premiums.
4	Rates of deductions to the reserve	Rates of deductions are calculated by specialists who have a certificate for actuarial calculations. Features of establishing the rate of deductions: - in case of proportional reinsurance, the rate of deduction is established for certain types of risks relative to the amount of liabilities assumed separately for quota and excess types of reinsurance; -- in case of non-proportional reinsurance, the rate of deduction is established for certain types of risks relative to the assumed amount of liabilities, separately under contracts on the basis of excess of loss and stop loss.
5	The maximum size of the reserve	The actuary, together with the establishing of norms of deductions sets a limitation on the size of the reserve. When the size of the reserve reaches a certain value, allocations to the reserve are suspended. If the size of the reserve decreases, the deductions to the reserve are resumed again.
6	Using reserves	The reserve is used only to cover insurance losses for certain types of risks. Upon the expiration of all reinsurance contracts, the reserve funds can be transferred into income.
7	Adjustable normative act	To implement the proposal, it is necessary to make amendments and additions to the "Regulations on insurance reserves of insurers" dated 15.12.2008 №1882.

2. We consider it expedient to require the formation of a disaster reserve under reinsurance contracts, which should apply not only to professional reinsurers, but also to primary insurers who carry out reinsurance operations in parallel.

3. Disaster reserves under reinsurance contracts should be included in the technical reserves. Otherwise, deductions to this reserve may be subject to income tax. This will entail extra costs associated with the formation of this reserve.

4. When insurance companies forming a disaster reserve for classes other than grades 8 and 9 on a voluntary basis, it is considered appropriate to include these reserves as part of the technical reserves.

**Д.М.Султанов – SAIPRO Ахборот рейтинг агентлиги МЧЖ  
департамент директори**

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА СУҒУРТАЛАШ БЎЙИЧА ЗАХИРАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ**

Ушбу мақолада Ўзбекистонда қайта суғурта фаолияти бўйича суғурта захираларини шакллантиришдаги муаммолар кўриб чиқилган. Ўзбекистон шароитида қайта суғурта операциялари бўйича захираларни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Суғурта тизимида мавжуд бўлган узоқ даврийликка эга бўлган рискларга мос суғурта захираларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** суғурта, қайта суғурта, қайта суғурталаш услублари, факультатив қайта суғурталаш, облигатор қайта суғурталаш, ретроцессия, суғурта захиралари, тўлов қобиляти, қайта суғурта тарифи.

## **ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ СТРАХОВЫХ РЕЗЕРВОВ ПО ПЕРЕСТРАХОВАНИЮ В УЗБЕКИСТАНЕ**

В статье рассмотрены проблемы формирования страховых резервов по перестраховочной деятельности в Узбекистане. Изучены особенности формирования резервов по перестраховочным операциям в условиях Узбекистана. Разработаны предложения по формированию страховых резервов, адекватных к долгосрочным рискам, существующим в системе страхования.

**Ключевые слова:** страхование, перестрахование, методы перестрахования, факультативное перестрахование, облигаторное перестрахование, ретроцессия, страховые резервы, платежеспособность, тарифы по перестрахованию.

## **КИРИШ**

Суғурта фаолияти иқтисодиёт инфратузилмасининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Энг аввало, суғурта соҳаси иқтисодиётда ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш орқали иқтисодиётнинг барқарор тараққиётида асосий омиллардан бири ҳисобланса, иккинчидан, суғурта соҳаси иқтисодиётга салмоқли ҳажмдаги инвестицияларни киритиши билан ажралиб туради. Таъкидлаш жоизки, суғурта муносабатлари узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтиб, ҳозирги кунга келиб иқтисодиётда салмоқли аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг тараққий этиши билан табиийки, иқтисодиётда турли рисклар ҳажми ҳам ортиб боради. Мазкур рискларни суғурталаш учун албатта суғурта ташкилотларининг кучли тўлов қобилятига эга бўлиши талаб этилади. Баъзан суғурта объектлари бўйича олинаётган жавобгарлик ҳажмининг юқорилиги суғурта ташкилоти учун мазкур объектни тўлиқ суғурталашнинг имконини бермаслиги мумкин. Бундай ҳолда суғурта ташкилотлари суғурта

соҳасида қадимдан ривожланиб келган қайта суғурталаш механизмидан фойдаланадилар. “Ушбу фаолият суғурта ташкилотининг фаолиятига катта таъсир кўрсатиши мумкин бўлган катта ҳажмдаги зарарларнинг вужудга келишини олдини олади ва шу сабабли қайта суғурта, суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини таъминловчи самарали инструмент ҳисобланади”<sup>1</sup>. Бундан ташқари, қайта суғурта “суғурта зарарлари салоҳиятини пасайтирганлиги сабабли риск сиғимини таъминловчи капитал ҳажмини ҳам оширади”[2]<sup>2</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда қайта суғурта механизмидан амалиётда кенг фойдаланилмоқда. Суғурта ташкилотлари рискларни хорижий ҳамда маҳаллий суғурта ташкилотларида қайта суғурта қилмоқдалар. Лекин Ўзбекистоннинг ички суғурта бозорида амалга оширилаётган қайта суғурта операцияларининг суғурта тизимида кўрсатаётган самараси етарли даражада эмас. Буни қайта суғурта билан шуғулланаётган суғурта ташкилотлари томонидан ҳалокатлар захираси ва зарарлар тебраниши захираси каби захираларнинг йиллар давомида шаклланмаганлигида кўришимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида йирик шаҳарларда зилзила ёки катта антропоген ҳалокатлар юз берганда миллий суғурта тизимининг ушбу катта зарарларни қоплаб беришда катта муаммоларга дуч келиши мумкинлигини кўрсатади.

Миллий суғурта бозорининг бугунги ривожланиш даврида суғурта ташкилотлари катта ҳалокатлар суғуртаси билан боғлиқ бўлган узоқ муддат давомида шаклланиб борадиган алоҳида суғурта захираларини шакллантиришга интиляптилар. Чунки, улар зилзила ва бошқа табиий офатлар каби суғуртага қабул қилинган рискларни қайта суғуртага бериш орқали ўз зиммасидаги риск даражасини камайтиришни маъқул кўрмоқдалар. Амалдаги қонунчиликка кўра эса қайта суғуртага қабул қилинган рисклар бўйича суғурта захираларини шакллантиришнинг алоҳида усуллари белгиланмаган<sup>3</sup>. Яъни қайта суғурталовчилар ҳам катта ҳалокатлар суғуртаси бўйича жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган узоқ муддатли суғурта захираларини шакллантирмаптилар. Шу сабабли, бугунги кунда миллий суғурта тизимимизда қайта суғуртага қабул қилинаётган рисклар ҳажмига мос бўлган узоқ муддатли суғурта захираларини шакллантириш тартибини белгилаб бериш долзарб аҳамиятга эга.

Мазкур масаланинг долзарб аҳамиятга эга эканлигини “2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича йўл харитаси”нинг<sup>9</sup>-бандида суғурталовчилар

<sup>1</sup>Lyubov Ivanovna Shevchenko, Svetlana Anatolyevna Ivanova, Ludmila Yurievna Grudtsina, The Legal Nature of the Reinsurance Contract, International Journal of Civil Engineering and Technology 10(2), 2019, p. 1603. <http://www.iaeme.com/IJCIET/issues.asp?JType=IJCIET&VType=10&IType=2> © IAEME Publication, Scopus Indexed.

<sup>2</sup>Peter Boller, Michel Dacorogna, Hubert Niggli, How Much Reinsurance Do You Really Need? A Case Study, p. 13. Actuarial and Risk Modelling Services © Copyright 2001, Converium Ltd, General Guisan-Quai 26, 8022 Zurich, Switzerland.

<sup>3</sup>15.12.2008 йилда 1882-сон билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида» Низом, <http://www.lex.uz/docs/1416862>

томонидан суғурта захираларини ҳисоблаш методикасини, уларни шакллантириш ва жойлаштириш тартибини такомиллаштириш масаласи белгиланганлиги ҳам кўрсатиб турибди<sup>4</sup>. Хужжатга кўра, мазкур масалани амалга ошириш муддати 2020 йилнинг март ойигача қилиб белгиланган.

Шу нуқтаи-назардан мамлакатимизда қайта суғурта бўйича суғурта захираларини алоҳида рискларнинг хусусиятларидан ҳамда қайта суғурта шартномасида қўлланилган қайта суғурталаш услубидан келиб чиққан ҳолда белгилашни мақсадга мувофиқ деб ҳисолаймиз.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Қайта суғурталаш муносабатларини тадқиқ этиш ва уларни такомиллаштириш масалалари бўйича хорижлик етакчи олимлар Д.Бланд, К.Гератевш, Р.Картер, К.Пфайфер ушбу масала бўйича ўз илмий ёндашувларини баён этган. Қайта суғурталаш муносабатларини такомиллаштириш бўйича айрим фикрлар МДХ доирасидаги йирик иқтисодчи олимлар В.Шахов, Е.Коломин, Л.Орланюк-Малицкая, К.Турбина, Т.Фёдорова, В.Серебровский, Е.Гендзехадзе, В.Ивашкин, Р.Юлдашев асарларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасида қайта суғурта бозорининг айрим томонларини тадқиқ этиш бўйича М.Мирсодиқов, С.Умаров, Х.Шеннаев, Ш.Имомов, Т.Баймуратов, И.Абдурахмонов каби иқтисодчи олимлар ишлар олиб борган. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида айнан қайта суғурта бозори ва қайта суғурта муносабатларини тадқиқ қилиш бўйича аниқ йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунинг учун бугунги кунда, суғурта бозорининг жадал ривожланиши шароитида Ўзбекистонда қайта суғурталаш муносабатларини чуқур тадқиқ қилиш долзарб аҳамиятга эга.

### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**


Умуман, суғурта соҳасининг ривожланганлик даражаси қайта суғурталаш тизими билан узвий боғлангандир. Қайта суғурталаш бу – бир суғурта ташкилоти зиммасидаги рискни ёки унинг бир қисмини иккинчи суғурта ёки қайта суғурталаш ташкилотига ўтказишдир. Қайта суғурталаш жараёни суғурта ташкилотлари ўртасидаги муносабат бўлганлиги сабабли, у бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга. Энг аввало қайта суғурталаш, суғурта ташкилоти зиммасидаги меъёрдан ортиқ мажбуриятлардан кутулишнинг энг оптимал йўлидир. Чунки, суғурта ташкилоти бир шартнома асосида қабул қилган катта ҳажмдаги мажбуриятнинг маълум қисминигина қоплаш имкониятига эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, қайта суғурталаш механизмнинг мавжудлиги суғурта ташкилоти учун мижознинг талабини қондириш имконини беради, яъни суғурта ташкилоти ўз зиммасидаги меъёрдан ортиқ мажбуриятларни қайта суғурталовчига ўтказди ва мижозни ўзида ушлаб қолади. Бундан ташқари қайта суғурталаш, суғурта ташкилотлари учун катта ҳажмдаги мажбуриятларни

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4412-сон қарорига 1-илова, <http://www.lex.uz/docs/4459802>



қабул қилиш ва ўз фаолиятининг имкониятларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратади. Масалан, суғурта ташкилоти ўнлаб ёки юзлаб суғурта ташкилотлари билан қайта суғурталаш муносабатларини ўрнатган ҳолда, турли катта объектларни (авиация, денгиз, бурғулаш ускуналари суғуртаси ва бошқалар) суғурталаш имкониятига эга.

Қайта суғурталаш икки қайта суғурталовчи ташкилот ўртасида ҳам юз бериши мумкин ва бу халқаро амалиётда “ретроцессия” деб номланади (1-Расм).



### 1-Расм. Рискларнинг суғуртага ва қайта суғурта узатилиш схемаси<sup>5</sup>

Ривожланган мамлакатларда қайта суғурталаш қадимдан тараккий этиб, суғурта фаолиятининг йирик тармоғига айланган. Илк юридик кучга эга қайта суғурталаш шартномаси 1376 йилда Генуяда тузилган.<sup>6</sup> Мазкур шартномада икки савдогар Генуядан Брюггега денгиз орқали жўнатилаётган товарларни

<sup>5</sup>Расм муаллиф томонидан тузилди.

<sup>6</sup>Под.ред. Турбиной К. Е. «Теория и практика страхования». Учебное пособие, М.:«Анkil», 2003, стр. 467.

суғурталаган шахнинг қайта суғурталаганлиги қайд этилган. Кейинчалик қайта суғурталаш алоҳида фаолият турига айланиб кенг ривожланди. Қайта суғурталашни амалга оширувчи илк суғурта ташкилоти, яъни «Кёлн қайта суғурталаш жамияти» 1846 йилда ташкил топди. Унинг ўзига хос хусусияти фақатгина қайта суғурталашга ихтисослашганлигидир.

Ҳозирда, қайта суғурталаш халқаро даражада тараққий этиб, халқаро суғурта бозорида қуйидаги муҳим функцияларни амалга оширмоқда:

- суғурталанган рискни иккиламчи тақсимлаш;
- суғурта ташкилоти томонидан қўшимча молиявий капитални қабул қилинишига шароит яратиш;
- суғурта ташкилотининг тўлов қобилиятига ижобий таъсир кўрсатиш;
- суғурта ҳодисаси юз берганда қопламаларни тўлаш жараёнини осонлаштириш ва тезлаштириш.

Иқтисодчи олим К. Пфайффернинг таъкидлашига кўра қайта суғурталаш суғурта ташкилоти учун суғурта фаолияти билан боғлиқ бўлган қуйидаги рискларни минималлаштириш имконини беради:<sup>7</sup>

Фавқулодда зарарлар rischi:

- суғурта қопламалари ҳажмидаги нотекис тебранишлар;
- суғурта йили давомида суғурталанувчилар томонидан суғурта қопламасини тўлаш тўғрисидаги аризалар келиб тушишининг нобарқарорлиги;
- суғурта ташкилотини бир суғурта ҳодисаси натижасида кўп сонли суғурта шартномалари бўйича суғурта қопламаларини тўлашга мажбур қилувчи табиий офатлар ва бахтсиз ҳодисалар (рискларнинг кумуляцияси).

Ўзгаришлар rischi:

- айниқса жавобгарлик суғуртаси ва тиббий суғурта каби суғурта турлари бўйича суғурта қопламаларининг ҳажми валюта курслари ва инфляция даражасининг тебраниши натижасида ўзгариши;
- технологик тараққиётнинг жадал ривожланиши шароитида суғурта ташкилоти томонидан қабул қилиб олинган рисклар уларнинг ҳақиқатдаги даражасига мос келмай қолиши ва натижада ушбу рисклар бўйича зарарлилик даражасининг ортиши.

Хато ва камчиликлар rischi:

- суғурта мукофотининг ставкасини ҳисоблашда йўл қўйилган нотўғри тахминлар, масалан, статистик маълумотлардан нотўғри фойдаланиш ва бошқалар.

Қайта суғурталаш шартнома асосида амалга оширилиб, унга мувофиқ бир томон (цедент) иккинчи томонга (цессионарий) суғурта рискини ўтказиши белгиланади. Қайта суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурта қопламасини ўз зиммасига олган жавобгарлик доирасида тўлаб бериш мажбуриятини олади. Рискни узатиш жараёни рискни “цедирлаш” ёки “қайта суғурта цессияси” деб юритилади.

<sup>7</sup>Пфайффер. К. “Введение в перестрахование”, М.АНКИЛ, 2000, стр. 8.



Қайд этиш жозики, қайта суғурталаш муносабатлари ривожланишининг маълум даврига қадар қайта суғурталашни турларга ажратиш зарурати мавжуд бўлмаган. Бир неча юз йиллар давомида фақатгина алоҳида рискларни ихтиёрий (факультатив) тарзда қайта суғурталаш қўлланиб келинган. Фақатгина XIX асрга келиб қайта суғурталаш муносабатлари жадал ривожланиб қайта суғурталашнинг бир қанча турлари вужудга келди.

Бунгунги кунга келиб, факультатив қайта суғурталашдан ташқари облигаторли қайта суғурталаш турлари ҳам вужудга келиб кенг тараққий этмоқда. Бундан ташқари, қайта суғурталаш шакллари ҳам вужудга келиб улар зараларни қоплаш хусусиятларига қараб пропорционал ёки непропорционал шаклларга ажратилади.

Қайд этиш жоизки, замонавий амалиётда суғурталовчилар ва қайта суғурталовчилар баъзи катта ҳажмдаги таваккалчиликларни қимматли қоғозлар бозори орқали қайта суғурталаш инструментларини қўллай бошладилар. Бунда суғурталовчи ёки қайта суғурталовчи маълум бир аниқ офат тури ёки унинг хусусияти бўйича кўриши мумкин бўлган зарар ҳажмига мос равишда облигация чиқаради ва инвесторлар ўртасида жойлаштиради. Агар ушбу облигация бўйича белгиланган вақт давомида суғурта ҳодисаси рўй бермаса, суғурта ташкилоти инвесторга белгиланган фоиз даромадини тўлаб беради, акс ҳолда, яъни суғурта ҳодисаси юз бериб суғурта ташкилоти томонидан суғурта зарарини қоплаш мажбурияти юзага келган тақдирда, инвесторга унинг маблағлари қайтарилмайди. Мазкур операциялар амалиётда рисклар секьюритизацияси деб, облигациялар эса суғурта билан боғлиқ қимматли қоғозлар деб юритилади. Суғурта билан боғлиқ қимматли қоғозлар илк бор 1992 йилда АҚШда қўлланила бошланди. Бунга АҚШнинг Флорида штатига “Эндрю” тўфони 20 млрд. АҚШ долларидан зиёд миқдордаги зарар етказиши сабаб бўлди.<sup>8</sup> Шу тарзда, рисклар секьюритизацияси моҳиятан рискларни қайта суғурталаш бўйича янги ўзига хос инструмент сифатида баҳолашимиз тўғри бўлади.

Ҳозирги кунда амалиётда қайта суғурталашнинг бир қанча услублари мавжуд бўлиб уларнинг ўзига хос хусусиятлари қайта суғурталашнинг турлари ва шакллари кўриб чиқишда намоён бўлади. Ўзаро олинадиган мажбуриятларга кўра қайта суғурталаш шартномаларини уч турга ажратиш мумкин:

- факультатив (ихтиёрий) қайтасуғурталаш;
- облигаторли (мажбурий) қайтасуғурталаш;
- факультатив-облигаторли қайтасуғурталаш.

Бундан ташқари қайта суғурталаш суғурта суммаси базасида ёки тўланган суғурта зарарлари базасида амалага оширилишига қараб “пропорционал” ёки “непропорционал” шаклларга эга булиши мумкин.

<sup>8</sup>Э. Гребенщиков, Секьюритизация страховых рисков и защита от экстремальных убытков, Научный журнал: Мировая экономика и международные отношения, 2011, № 9, с. 51.

Ўз навбатида пропорционал қайта суғурталаш “квотали” ёки “суммалар эксцеденти” турларига, непропорционал қайта суғурталаш эса “зарарлар эксцеденти” ёки “зарарлилик эксцеденти” турларига бўлинади.

Амалдаги суғурта захираларини шакллантириш тартибига кўра[3] қайта суғурта шартномалари бўйича суғурта захираларини шакллантиришда фақатгина қайта суғуртанинг пропорционал ёки непропорционал шаклда амалга оширилиши ҳисобга олинади. Унга кўра непропорционал қайта суғурта бўйича келиб тушган мукофотлар 1-ҳисоб гуруҳи бўйича белгиланган тартиб асосида суғурта захираларига йўналтирилади. Пропорционал қайта суғурта бўйича эса шартнома қайси суғурта турига таалукли бўлса, ўша суғурта тури учун белгиланган тартибда суғурта захиралари шакллантирилади. Мазкур тартиб ишлаб топилмаган мукофотлар захирасига таалукли бўлиб, ушбу захира суғурта ёки қайта суғурта шартномасининг муддати тугаши билан захирадаги мукофот ҳажми суғурта ташкилотининг фойдасига ўтишни назарда тутди. Қайд этишимиз жозики, қайта суғурта бўйича мазкур тартибда захираларни шакллантириш қайта суғурталаш турлари ва услубларига мос эмас ҳамда қабул қилинаётган рискка мувофиқ ҳажмдаги захираларни шакллантириш имконини бермайди. Шу сабабли, қайта суғурта бўйича захираларни шакллантириш тартибини белгилашда, нафақат қайта суғурталаш шакли ёки суғурта турини, балки суғурталанган риск турларини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қайта суғурталаш бўйича захираларни шакллантириш тартибини белгилашда қайта суғурталаш услублари ва риск турларининг мувофиқлик даражасини тушунтириш мақсадида, қуйида қайта суғурталашнинг асосий турлари ва улар доирасида рискларни қайта суғурталашга узатиш услубларини кўриб чиқамиз.

Қайта суғурталаш шартномаларининг энг биринчи шаклларида бири **факультатив қайта суғурталаш** шартномасидир. Мазкур шартнома алоҳида (индивидуал) рисклар бўйича тузилиб, томонларнинг қайта суғурталашни амалга оширишда ихтиёрий эканлиги билан ажралиб туради. Яъни қайта суғурталанувчи – цедент ўз зиммасидаги рискнинг қанча қисмини олиб қолишини, ҳамда қайта суғурталовчи - цессионарий ҳам рискнинг қанча миқдорда ўз зиммасига олишини ихтиёрий равишда ҳал қилади.

Тўғридан-тўғри суғурталовчи одатда облигаторли қайта суғурталаш орқали қайта суғуртага бера олмаган рискларни факультатив қайта суғурталаш шартномаларини тузиш орқали қайта суғуртага беради.

Ҳозирда, факультатив қайта суғурталаш ҳар-хил суғурта турларида ва турли даражада фойдаланилади. Саноат тармоқларини ёнғиндан суғурталашда суғурта суммаларининг борган сари ортиб бориши, шунингдек ёнғин натижасида ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши оқибатида фойдани йўқотишдан суғурталаш турларининг мавжудлиги қайта суғурталаш хизматларига бўлган талабнинг ортиб боришига олиб келади. Мазкур ҳолат суғурталовчида факультатив қайта суғурталаш шартномаларини тузиш

заруратини келтириб чиқаради. Суғурта шартномасига табиий офатлар билан боғлиқ рисклар кўшилган тақдирда ҳам суғурталовчида ушбу рискларнинг маълум қисмини қайта суғурталаш зарурати вужудга келади. Халқаро амалиётда факультатив қайта суғурталаш ҳозирда, денгиз суғуртасида кўп қўлланилади. Бунда суғуртага олинган объектларнинг суммалари катталиги билан ажралиб туради: масалан, каско суғуртасида – кемалар гуруҳи ёки йирик алоҳида кемалар; техник рискларни суғурталашда – йирик ва қиммат кемаларни қуриш ва таъмирлаш; очиқ денгиздаги ускуналарни суғурталашда – бурғулаш ускуналари; юкларни суғурталашда – катта ҳажмдаги юкларни кўп сонли йўналишларда ташиш бўйича йирик шартномалар суғурталанади.

Авиация суғуртасида қайта суғуртага бўлган талаб космик рисклар ва ҳаво кемаларининг катта парклари доирасидаги рискларни суғурталашда вужудга келади.

Техник рискларни суғурталашда факультатив ва облигаторли қайта суғурталашга бўлган талаб одатда, энергетика (электростанциялар ва атомэлектростанциялар), саноат (ускуналар), қурилиш (тўғонлар, тунеллар), шунингдек компьютер технологиялар билан боғлиқ лойиҳаларни суғурталашда вужудга келади.

**Облигаторли қайта суғурталашда** цедент шартномада белгиланган рисклар бўйича олинган мажбуриятнинг маълум қисмини қайта суғуртага бериш мажбуриятига эга бўлади. Бу ўз навбатида қайта суғурталовчи учун ҳам цедент таклиф этган рискларнинг маълум қисмини ўз зиммасига олиш мажбуриятини юклайди. Облигаторли қайта суғурталашни амалга ошириш икки томон учун ҳам факультатив қайта суғурталаш шартномасини амалга оширишдан кўра камроқ харажатларни талаб этади. Шунинг учун жаҳон суғурта бозори амалиётида облигаторли қайта суғурталаш шартномалари кўп учрайди.

Таъкидлаш жоизки, қайта суғурталовчилар қайта суғурталаш операцияларидан оладиган даромадининг катта қисми облигаторли қайта суғурталашга тўғри келади. Фақатгина мана шундай қайта суғурталаш шартномаларининг мавжудлиги туфайли суғурта ташкилотлари ўз зиммаларига олаётган жавобгарликни самарали бошқариш ва даромадга эришиш имконига эга бўлдилар.

Облигаторли қайта суғурталаш бир марталик суғурта шартномаларига қараганда томонлар ўртасидаги яқинроқ муносабатларни ўрнатилишини таъминлайди. Облигаторли қайта суғурталашнинг асосий тамойиллари маълум иштирок этиш улуши асосида қайта суғурталаш ва экцедентли қайта суғурталаш турларининг хусусиятлари асосида шаклланди. Лекин облигаторли қайта суғурталаш тамойилларининг барчаси ҳам непропорционал қайта суғурталаш шаклига тўғри келавермайди.

Юқоридагилардан ташқари амалиётда **факультатив-облигаторли қайта суғурталаш** шакли ҳам мавжуд. Мазкур шароитда цедент қайси рискларни қандай ҳажмда қайта суғуртага ўтказишни ихтиёрий равишда ҳал қилади.

Лекин қайта суғуртага олувчи ташкилот олдиндан келишилган шартларда рискларни ўз зиммасига олишга мажбур бўлади. Бунда шартнома cedent учун факультатив цессионарий учун эса облигаторликни таъкидлаб ўтиш зарур. Қайта суғурталашнинг мазкур шакли қайта суғурталовчи учун хавфли бўлиши мумкин, шунинг учун факультатив-облигаторлик қайта суғурталаш шартномалари фақатгина қайта суғурталовчи компания учун шончилик компаниялар билан тузилади.

Қайта суғурталаш шартномалари рискларни тақсимлаш сулига кўра **икки шакл**да тузилади:

- пропорционал қайта суғурталаш;
- нопропорционал қайта суғурталаш.


Пропорционал қайта суғурталаш деганда, рискни қайта суғуртага беришда уни қайта суғурталанувчи ва қайта суғурталовчи ўртасида маълум белгиланган фоиз улуши асосида тақсимлаш тушунилади. Бунда қайта суғурталовчига ўтказилган суғурта жавобгарлигининг улушига пропорционал улушда суғурта мукофотининг улуши ўтказилади.

Пропорционал қайта суғурталашнинг асосий икки тури мавжуд: **эксцедент** ва **квотали** қайта суғурталаш. Эксцедент қайта суғурталашда қайта суғурталовчи шартномада белгиланган қайта суғурталанувчи томонидан ўзида сақлаб қолиндиган улушдан ошган суғурта жавобгарлиги қисмини қайта суғурталовчига ўтказилади. Масалан, агар қайта суғурталанувчининг ўзида сақлаб қолиндиган улуши 100000 сўм бўлса, қайта суғурталовчининг суғурта мукофотидаги улуши суғурта шартномаси бўйича суғурта суммаси ва ўзида сақлаб қолиндиган улуш ўртасидаги пропорция асосида аниқланади. Мазкур ҳолатда агар суғурта шартномаси бўйича суғурта суммаси 200000 сўмни ташкил қилса, қайта суғурталовчининг суғурта мукофотидаги улуши 50%ни ташкил қилади. Қайта суғурталовчи суғурта мукофотининг 50%ини олади ва суғурта шартномаси бўйича етган барча зарарларнинг 50%ини қоплашга мажбур бўлади.

Квотали қайта суғурталашда қайта суғурталовчининг бутун суғурта портфелидаги ёки унинг белгиланган қисмидаги улуши суғурта шартномаларидаги суммаларининг ҳажмларидан қатъи-назар бир хил белгиланган бўлади. Агар квотали қайта суғурталашда томонлар 50%ли квотани келишган ҳолатда, юқорида келтирилганидек, суғурта суммаси 200000 сўм бўлган суғурта шартномаси бўйича қайта суғурталовчининг улуши эксцедент қайта суғурталаш шартномасидаги сумма билан тенг бўлади. Лекин, квотали қайта суғурталашнинг эксцедентли қайта суғурталашдан асосий фарқи шундаки, квотали қайта суғурталашда ҳар қандай суғурта суммасига эга шартномалар бўйича суғурта жавобгарликлари 50% миқдорда қайта суғурталовчига ўтказилиши шарт ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, квотали қайта суғурталаш шартномалари эксцедент қайта суғурталаш сингари компенсациялаш хусусиятига эга эмас, шунинг учун қайта суғурталанувчилар

бундай ҳолатларда қайта суғурталашнинг қўшимча механизмларидан фойдаланиши керак.

**Суммалар эксцеденти базасида қайта суғурталаш** – қайта суғурталашнинг қадимий ва муҳим турларидан бири ҳисобланади. Ушбу суғурта тури суғурталанган объектларнинг қиймати бир биридан тубдан фарқ қилган ҳолатларда қўлланилади. Эксцедент қайта суғурталаш қайта суғурталашнинг замонавий ва самарали усули бўлиб, суғурта портфели бўйича ўртача зарарлиликдан юқори бўлган рискларнинг вужудга келиши эҳтимоли мавжуд бўлганда, суғурта портфелини баланслаштиришни таъминлашда қўлланилади. Эксцедент қайта суғурталаш ёнгин суғуртаси, бузиб кириб ўғирлаш, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва ҳаёт суғуртасида кўп қўлланилади.



**2-Расм.**


**Эксцедент асосида суғурта шартномаларидаги жавобгарлик ва суғурта мукофотларининг тақсимланишулушлари (ўзидасаклаб қолинадиган улуш 20 минг. сўм).<sup>9</sup>**

**Квотали қайта суғурталаш** эксцедент қайта суғурталашга қарганда кам қўлланилади. Одатда квотали қайта суғурталаш умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурталашда, автотранспорт эгаларининг жавобгарлигини суғурталашда, автомобиль, кредит суғуртаси ва бошқа шунга ўхшаш суғурта турларида фойдаланилади. Амалиётда кўп ҳолатларда квотали қайта суғурталашнинг суммалар эксцеденти ёки зарарлар эксцеденти асосида қайта суғурталаш турлари билан биргаликда қўлланилади.

Облигаторли квотали қайта суғурталаш шартномасига мувофиқ, ушбу шартномада белгиланган рисклар ёки уларнинг бир қисми белгиланган фоиз улушида қайта суғурталовчида қайта суғурталанган ҳисобланади. Эксцедент қайта суғурталашдан фарқли равишда квотали қайта суғурталашда ҳар бир суғурта шартномаси бўйича суғурта суммаси эътиборга олинмайди. Квотали қайта суғурталаш шартномаси қайта суғурталовчи жавобгарлигининг чегарасини аниқ белгилайди.

<sup>9</sup>Расм муаллиф томонидан тузилди.





3-Расм.

Квота

асосида суғурта шартномаларидаги жавобгарлик ва суғурта мукофотларининг тақсимланишулушлари (ўзидасақлаб қолинадиган улуш 70%).<sup>10</sup>

Квотали қайта суғурталаш экседент қайта суғурталаш каби суғурта портфелининг баланслашганлигини таъминламасада, кўп сонли кумуляцион майда ва ўрта ҳажмдаги рисклардан самарали ва оддий ҳимоя воситаси ҳисобланади. Кумуляцион рискларга мисол сифатида дўл ёғиши ёки бўрон каби табиий офатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Кўпинча автомобиллар суғуртасида ва жавобгарлик суғуртасида квотали қайта суғурталашнинг қўлланилишига асосий сабаб бўлиб, ушбу суғурта турларида зарарлилик тебраниши эҳтимоли катта эканлиги ҳисобланади. Лекин квотали қайта суғурталаш рискларнинг ниҳоятда катта кумуляциясига олиб келиши ёки суғурта тарифларининг ноадекватлигини юзага келтириши мумкин бўлган иқтисодий, структуравий ва иқлимий ўзгаришлар вақтида узоқ муддатли ҳимояни таъминлаб бера олмайди. Шунга қарамай, пухта тузилган квотали қайта суғурталаш шартномалари суғурталовчига қайта суғурталовчи билан суғурта тарифларини ҳисоблаш ва янгиларини киритишда мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш имконини бериши мумкин. Суғурталовчи жавобгарликнинг бир қисмини қайта суғурталовчининг зиммасига ўтказётганлиги сабабли, янги суғурта тарифларини қўллаш имкониятлари бир неча баробар ортиши шубҳасиздир.

**Квотали ва экседент асосида қайта суғурталашнинг комбинацияланган шакли.** Амалиётда одатда квотали қайта суғурталаш ва суммалар экседенти асосида қайта суғурталаш бир қайта суғурта шартномасида мужассамлаштирилган ҳолда, маълум суғурта турлари бўйича рискларни қайта суғуртага беришда қўлланилади. Қайта суғуртага берилаётган рискларнинг турига қараб квотали – экседент қайта суғурталаш шартномаси квотали йўналтирилган ёки экседентли йўналтирилган бўлиши мумкин. Квотали – экседент қайта суғурталаш шартномаси квотали қайта суғурталаш шартномасининг молиявий функциясини ва экседент қайта суғурталаш шартномасининг ҳажм имкониятларини мужассамлаштирган ҳолда асосан қайта суғурталанувчининг талабларини қондириш учун йўналтирилган бўлади. Агар қайта суғурталанувчи қайта суғурталашда юқоридаги қайта суғурталаш

<sup>10</sup>Расм муаллиф томонидан тузилди.



усулларидан бирини қўллаган ҳолда максимал имкониятларга эга бўлишга ҳаракат қилса, ўзида сақлаб қолинаниган улуш даражасини пасайтиришга ва суғурта мукофотларининг катта қисмини қайта суғурталовчига беришга мажбур бўлади.

Мазкур ҳолатни яққол мисол асосида кўриб чиқамиз. Суғурта шартномаси бўйича суғурта суммаси 200 000 сўмни ташкил қилади, квота 50%, ўзида сақлаб қолинаниган улуш 10 000 сўм, эксцедент 9 та чегара бўлиб, ҳа бири 10 000 сўмдир. Мазкур ҳолатда қайта суғурталаш шартномасида брутто-сақлаб қолинаниган улуши белгиланиган бўлиб у 100 000 сўмга тенг. Суғурталовчининг ўзида сақлаб қолинаниган улушдан (10 000 сўм) ушбу брутто-сақлаб қолинаниган улушгача (100 000) бўлган қисми квотали асосда қайта суғурта қилинади. Брутто-сақлаб қолинаниган улушдан ортган жавобгарлик суммаси эса эксцедент чегралари асосида қайта суғуртага берилади.

Юқорида кўриб чиқилган қайта суғурталаш шартномаларининг барчасида суғурта қопламасининг қайта суғурталовчи ва қайта суғурталанувчи ўртасида суғурта мукофоти ва суғурта жавобгарлигининг тақсимланишига мувофиқ равишда пропорционал тақсимланиши назарда тутилган. Нопропорционал қайта суғурталашнинг моҳияти шундаки, унда қайта суғурталовчининг тўлайдиган қопламаси фақатгина зарар ҳажмига боғлиқ бўлади, яъни рискларни суғурта мукофотларининг тақсимланишига мувофиқ равишда тақсимлаш назарда тутилмайди. Ушбу қайта суғурталаш тури бўйича суғурта мукофоти томонларнинг келишувига асосан белгиланади.

Нопропорционал қайта суғурталаш шартномалари одатда, профессионал қайта суғурталовчилар томонидан таклиф қилинади. Қайта суғурта брокерлари тобора кўпроқ ушбу шартномаларни жойлаштиришда иштирок этиб келмоқдалар.

Нопропорционал қайта суғурталашнинг асосан икки тури мвжуд:  
зарар эксцеденти базасида қайта суғурталаш (excess of loss, (XL));  
зарарлилик эксцеденти базасида қайта суғурталаш (stop loss).

Зарар эксцеденти базасидаги қайта суғурталашнинг ўзи ҳам қоплаш турига қараб, алоҳида риск бўйича ва алоҳида воқеа бўйича каби турларга ажратилади. Ушбу қайта суғурта турларининг умумий хусусияти шундаки, қайта суғурталанувчи суғурта зарарининг маълум даражасини белгилайди ва ушбу зарар даражасидаги қопламаларни қоплаб боради. Бу қайта суғурталанувчининг чеграси деб номланади. Ушбу чегарадан ошган суғурта зарарлари белгиланиган чегарага қадар қайта суғурталовчи томонидан қопланади. Зарарлар эксцеденти базасида қайта суғурталашда қайта суғурталовчи томонидан қоплананиган зарар чегараси абсолют суммада белгиланса, зарарлилик эксцеденти базасида қайта суғурталашда зарар чегараси қайта суғурталанувчи йиллик суғурта мукофотига нисбатан фоизда белгиланади.

Агар суғурталанувчи максимал суғурта ҳимоясига эга бўлишни истаса, масалан, автотранспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини чекланмаган суммага суғурталаган тақдирда, қайта суғурталанувчилар кўпинча

бир нечта кетма-кет зарарлар эксцеденти шартномаларини тузадилар ва уларда биринчи шартноманинг жавобгарлик чегараси иккинчи шартноманинг жавобгарлик бошланиш нуқтаси бўлади (1-жадвал).

1 - жадвал <sup>11</sup>

№	Кўрсаткичлар	Қайта суғурта шартномаси бўйича чегаралар суммаси (сўм)
1	Қайта суғурталанувчининг жавобгарлик чегараси	100 000
2	Биринчи қайта суғурталовчининг жавобгарлиги суммаси	400 000
3	Иккинчи қайта суғурталаш шартномаси бўйича жавобгарлик чегарасининг бошланиши суммаси	500 000
4	Иккинчи қайта суғурталовчининг жавобгарлиги суммаси	1 000 000
5	Учинчи қайта суғурталаш шартномаси бўйича жавобгарлик чегарасининг бошланиши суммаси	1 500 000
6	Учинчи қайта суғурталовчининг жавобгарлиги суммаси	Чекланмаган

Зарарлилик эксцеденти базасида қайта суғурталашнинг асосий мақсади суғурта портфелининг бир қисми бўйича ёки маълум бир суғурта тури бўйича зарарлиликнинг тебраниши бўйича кенг қамровли ҳимояни таъминлаш ҳисобланади. Бундай шартномаларда қайта суғурталовчи ишлаб топилган мукофотлар ёки келиб тушган мукофотлар ҳажмига нисбатан фоизда белгиланган суммадан ошган зарарларни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бунда зарарлар белгиланган чегарадан ошганда, ушбу зарар бир суғурта шартномаси бўйича юз бердими ёки бир нечта шартнома бўйича юз бердими бунинг аҳамияти йўқ.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, амалиётда суғурта турларининг хусусиятлари ва суғурта ташкилотининг манфаатидан келиб чиққан ҳолда қайта суғурталашнинг хилма-хил услублари қўлланилади. Мамлакатимизда суғурта ташкилотлари томонидан суғурта захираларини шакллантириш тартиби эса қайта суғурта шартномалари бўйича захираларни шакллантиришда қайта суғурта муносабатларининг ўзига хослик томонларини инобатга олмайди. Шу сабабли, қайта суғурталаш услубларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда қайта суғурталаш бўйича захираларни шакллантириш тартибини яратиш бугунги кунда суғурта тизимининг барқарорлигини таъминлашдаги долзарб масала ҳисобланади.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Мамлакатимизда қайта суғурталаш бўйича суғурта захираларини шакллантириш муаммоларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Қайта суғурта шартномалари бўйича суғурта захираларини шакллантиришнинг амалдаги тартиби, тўғридан-тўғри суғурта бўйича белгиланган тартиб билан бир хил бўлиб, қайта суғурта шартномаларининг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олмайди;

<sup>11</sup>Жадвал муаллиф томонидан тузилди.

2. Тўғридан-тўғри суғурта бўйича суғурта захираларини шакллантириш тартибда, узоқ даврийликка эга бўлган риск тулари бўйича (зилзила, табиий офатлар ва ҳ.к.) алоҳида жамғарилиб бориладиган захираларни шакллантириш ихтиёри суғурта ташкилотларига берилган. Амалиётда суғурта ташкилотлари келиб тушган мукофотларни тезроқ даромадга олиш мақсадида узоқ даврийликка эга рисклар бўйича захираларни шакллантирмайдилар.

3. Узоқ даврийликка эга рисклардан бирортасининг юз бериши натижасида суғурталанган мол-мулкларга бир вақтда катта зарар етган тақдирда, суғурта тизимининг ўз мажбуриятларини бажара олмай қолиш эҳтимоли каттадир. Мазкур ҳолатни бартараф этиш мақсадида, олимларимиз томонидан “мамлакатда қайта суғуртага ихтисослашган суғурта ташкилоти тузиш зарурати мавжудлиги”<sup>12</sup> ҳам таъкидлаб ўтилган.

4. Қайта суғурталаш механизми мамлакат доирасида ёки халқаро доирада диверсификациялашган суғурта захираларини шакллантириб бориш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, узоқ даврийликка эга бўлган рискларнинг амалга ошиши натижасида етадиган зарарларни бартараф этиш учун етарли захираларни шакллантириш ва суғурта тизимининг барқарорлигини сақлаб қолиш имконини беради.

5. Қайта суғурталаш механизми нафақат узоқ муддатли, балки қисқа муддатли рисклар бўйича ҳам зарарлилик даражасини тадқиқ этиш ва шу асосда зарарлилик даражасининг тебранишига мос бўлган суғурта захираларини шакллантириш имконини беради.

Юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиққан ҳолда, қайта суғурталаш бўйича суғурта захираларини шакллантириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Умумий суғурта соҳасида 8 ва 9 класслар бўйича узоқ даврийликка эга бўлган рискларни қайта суғуртага қабул қилувчи ташкилотларга ушбу рисклар бўйича мақсадли ҳалокатлар захирасини шакллантириш мажбуриятини белгилаш таклиф этилади. Ушбу ҳалокатлар захирасининг характеристикасини қуйидаги 2-жадвалда кўрсатилган тартибда белгилаш мақсадга мувофиқдир:

2-жадвал.

№	Ўзига хос томонлари	Шартлари
1	Захира шакллантириладиган риск турлари	Зилзила, сел келиши, бўрон, ер кўчиши ва бошқа шу каби табиий офатлар билан боғлиқ рисклар.
2	Захира тури	Узоқ муддат давомида жамғарилиб бориладиган захира тури.
3	Захиранинг манбаи	Захира қайта суғурта мукофотларидан маълум даражада белгиланган ажратмалар ҳисобига

<sup>12</sup>И.Х. Абдурахмонов, Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2010. 20-б.

		шакллантирилади.
4	Захирага ажратмалар меъёри	Ажратмалар меъёри актуар ҳисоб-китобларни амалга оширувчи махсус сертификатга эга мутахассислар томонидан ҳисобланади. Ажратмалар меъёрини белгилашнинг ўзига хос жиҳатлари: -пропорционал қайта суғурталаш турларида ажратма меъёри ҳар бир риск тури бўйича жавобгарлик миқдорига нисбатан квотали ва эксцедент шартномалари бўйича алоҳида белгиланади; -нопропорционал қайта суғурталаш турларида ажратма меъёри риск турлари бўйича зарарлар ва зарарлилик эксцеденти асосидаги шартномалар бўйича жавобгарлик суммасига нисбатан белгиланади.
5	Захиранинг чегаравий ҳажми	Актуарий томонидан ажратмалар меъёрлари билан биргаликда захиранинг чегаравий ҳажми ёки чегаравий ҳажмининг меъёри ҳам белгиланади. Захира ҳажми ушбу меъёрга етган тақдирда, унга қилинадиган ажратмалар тўхтатилади. Захира ҳажми бегиланган меъёрдан камайган тақдирда, ажратмалар яна амалга оширила бошланади.
6	Захиранинг ишлатилиши	Захира фақатгина тегишли риск турлари бўйича суғурта қопламаларини амалга ошириш учунгина ишлатилади. Барча суғурта шартномалари муддати тугатилган тақдирда, захира маблағлари даромадга олиниши мумкин.
7	Тартибга солувчи норматив ҳужжат.	Таклифни амалга ошириш учун 15.12.2008 йилда 1882-сон билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида» Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши талаб этилади.

2. Қайта суғурта шартномалари бўйича ҳалокатлар захирасини шакллантириш мажбурияти нафақат ихтисослашган қайта суғурта ташкилотларига нисбатан, балки бирламчи суғурталаш билан биргаликда қайта суғурта фаолиятини амалга ошириб келаётган суғурта ташкилотларига нисбатан ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3. Қайта суғурталаш шартномалари бўйича ҳалокатлар захираси техник захиралар турига киритилиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда ушбу захирага қилинадиган ажратмалар даромад солиғига тортилиши мумкин бўлади. Бу эса

мазкур захираларни шакллантиришда ортиқча харажатларни келтириб чиқаради.

4. Суғурта ташкилоти томонидан 8 ва 9 класслардан бошқа класслар бўйича ўз ихтиёрига кўра ҳалокатлар захираси шакллантирилган тақдирда, ушбу захиралар ҳам техник захиралар таркибига киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Lyubov Ivanovna Shevchenko, Svetlana Anatolyevna Ivanova, Ludmila Yurievna Grudtsina, The Legal Nature of the Reinsurance Contract, International Journal of Civil Engineering and Technology 10(2), 2019, p. 1603.

<http://www.iaeme.com/IJCIET/issues.asp?JType=IJCIET&VType=10&IType=2>

© IAEME Publication, Scopus Indexed.

2. Peter Boller, Michel Dacorogna, Hubert Niggli, How Much Reinsurance Do You Really Need? A Case Study, p. 13.

Actuarial and Risk Modelling Services © Copyright 2001, Converium Ltd, General Guisan-Quai 26, 8022 Zurich, Switzerland.

3. 15.12.2008 йилда 1882-сон билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида» Низом, <http://www.lex.uz/docs/1416862>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4412-сон қарорига 1-илова, <http://www.lex.uz/docs/4459802>

5. Под.ред. Турбиной К. Е. «Теория и практика страхования». Учебное пособие, М.: «Анкил», 2003, стр. 467.

6. Пфайффер. К. “Введение в перестрахование”, М. АНКИЛ, 2000, стр. 8.

7. Э. Гребенщиков, Секьюритизация страховых рисков и защита от экстремальных убытков, Научный журнал: Мировая экономика и международные отношения, 2011, № 9, с. 51.

8. И.Х. Абдурахмонов, Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2010. 20-б.